



# MILLIY TIKLANISH

11 (443) ● 2017 йил 15 март, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ЎзМТДП ташкилотларида

Юзма-юз

## ИСТИҚБОЛДАГИ МУҲИМ ВАЗИФАЛАР УЧУН ДАСТУРИЛАМАЛ

ЎзМТДП тизимида Ҳаракатлар стратегияси чуқур ўрганилмоқда

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 7 февралдаги фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида демократик ислохотларни чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби қатор долзарб ҳамда устувор мақсад-вазифалар белгиланган. Ундан асосий мақсад — қонун устуворлиги, аҳоли фаровонлиги, иқтисодий барқарорлик ҳамда юртимизда тинчлик-осойишталикни таъминлашдан иборат.

Шу кунларда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳудудий ташкилотларида Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти ва мамлакатимизни ривожлантиришдаги аҳамияти чуқур ўрганилмоқда ва таҳлил қилинмоқда.

### САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

Ҳаракатлар стратегиясида аҳоли саломатлиги, миллат генофондини асраш, оилани ҳар томонлама асраш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда оилавий поликланик ҳамда қишлоқ врачлик пунклари ходимлари, патронаж ҳамшираларнинг масъулиятини ошириш, аҳоли қатламлари билан ҳамкорлигини тўғри ташкил этиш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Миллий гуруҳ

## СПОРТ БИЛАН ДЎСТ ТУТИНГАН НИГОРА



2017 йил Нигора Турсунқуллованинг ҳаётида ўчмас из қолдириши шубҳасиз. Чунки, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 3 мартдаги қарорига мувофиқ мамлакатимиздаги ўн беш қиз орасида Нигора ҳам Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди. "Халқимизнинг суякли шоираси Зулфияхоним издоши бўлганимдан фахрланаман. Айниқса, бу мукофотни шахсан Президентимиз топширгани зиммамга бу ишончга муносиб бўлиш масъулиятини ҳам юклайди", дейди ёш спортчи.

Ёш бўлишига қарамай тажвондо (WTF) бўйича терма жамоа таркибиде ўз ўрнига эга — кўп қарра Ўзбекистон чемпиони, XXXI ёзги Олимпия ўйинлари иштирокчиси.

www.milliytiklanish.uz сайидда ҳам ўқинг!



## ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ: ТАҲЛИЛ ВА САМАРА

Аввал хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари ҳуудларда амалга оширилаётган ислохотлар, аҳоли турмуш тарзи билан танишди.

Президентимизнинг таклифига кўра 2017 йилнинг мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилингани барча соҳаларда бу борадаги ишлар кўламини кенгайтирмоқда. Бугун юртимизда халқ билан мулоқотнинг очиқ ва самарали механизмлари ҳаётга татбиқ этилмоқда. Натيجида юрдошларимизни ўйлантираётган муаммолар чуқур ўрганилиб, уларнинг ечимига кенг йўл очилмоқда.

Олий Мажлис палаталарига ҳуудлардан сайланган депутатлар ва сенаторларнинг ҳар ойда 10-12 кун даво-

мида бир туманда бўлиб, амалий мулоқотлар ўтказиши ҳам бунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўтказилаётган мулоқотларда туманларда иқтисодий инфратузилмани ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, молия-кредит ташкилотлари фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, аҳоли бандлигини кафолатлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётган. Албатта, булар қонун ижодкорларининг жойларда ислохотларнинг бориши билан яқиндан танишиши, қабул қилинаётган қонун ва



бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ижросини ўрганиши ҳамда аҳолининг талаб ва таклифларини эшитган ҳолда келгуси вазифаларни белгилаб олишида муҳим аҳамиятга эга.

Бу жараёнда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг кўйи палатадаги фракцияси аъзолари ҳам фаол иштирок этиб, халқ манфаатларини таъминлаш, уларнинг дарду ташвишлари, муаммоларига ечим топишга кўмаклашдилар.

**ҚВПЛАР БУГУНГИ КУН ТАЛАБИГА ЖАВОБ БЕРМАЙДИ**  
ЎзМТДП фракцияси аъзоси Шерзода Қулматов иштирокидаги

гуруҳ Сирдарё вилоятининг Сайхунбод туманида тадбиркорликни ривожлантириш, тижорат банкларининг кредит ажратиши, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини тўлов терминаллари, аҳолини суюлтирилган газ баллонлари, ижтимоий соҳа объектларини узлуксиз электр энергияси билан мунтазам таъминлаш, бандлик ва бошқа қатор масалаларни ўргандилар. Аҳоли билан мулоқотларда кўтарилган, жойларда ўз ечимини кутаётган масалалар юзасидан тегишли маҳаллий давлат органлари ва бошқа ташкилотларга аниқ таклиф ва тавсиялар берилди, уларнинг ба-жарилиши назоратга олинди.



Қарор ва ижро

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовни халқимиз мустақиллигимиз ва тараққиётимиз асосчиси сифатида билади ва юксак қадрлайди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 25 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Абдужаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги қарори халқимиз истагини ифодалаган, қалб тўридан жой олган муҳим ҳужжат бўлди.

## ЎЗМТДП ГУРУҲИ ТАШАББУСИ БИЛАН

Бухоро шаҳридаги марказий кўчага Ислам Каримов номи берилди

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари Президентимизнинг мазкур қарори ижросини таъминлаш борасида изчил фаолият олиб бормоқда. Яқинда халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи Кенгашнинг 25-сессиясига ташаббус-масала олиб чиқди. Унда Бухоро шаҳрининг марказий кўчаларига Ислам Каримов номини бериш, Гиждувон кўчасини Абдухалиқ Гиждувоний деб тўлақ номлаш масаласи кўтарилди.

Ушбу сонда:

### МАРОКАШ ПАРЛАМЕНТИ



7-бет  
икки палатали бўлиб, Вакиллар палатасида 395, Маслаҳатчилар палатасида 270 депутат фаолият юритади

Бугуннинг гапи

## ФАРЗАНДИНГИЗ НИМА БИЛАН МАШҒУЛ?

"Ахборот асри" деб аталаётган ҳозирги замонда маълумот олиш ва ахборот алмашишнинг тезкор ва қулай воситаси Интернетдир. Совлом ақд эгалари Интернет қулайликларидан билимини бойитиш йўлида оқилона фойдаланишмоқда. Баъзилар эса ёвузликка, маънавий таназзулга сабаб бўладиган сайтларга кириб, ўзлари ва атрофдагиларнинг онгини захарлаётган. Дунё ахборот маконидан ҳар ким ўзига керакли нарсани олади, деб тарбияни ўз ҳолига ташлаб қўйиш ярамайди.

Зеро, бугун курашлар жанг майдонларида эмас, балки мафкура майдонларида ҳал бўляпти. Доро ва Искандар, Чингизхон ва Наполеон кўшин билан эгаллаб олмаган "ерлар" — ёшлар

онгу қалбини бугун Интернет сайтлари орқали эгаллашга уринилмоқда.

Сўнги бир йил мобайнида "Кук кит" деб номланган хавфли ўйин МДХ, мамлакатлари орасида кенг тарқалмоқда. Баъзи маълумотларга кўра, 2016 йилда Россияда 720, Қирғизистонда 95, Қозоғистонда 33 ўсмирнинг ушбу ўйин туфайли ўз жонига қасд қилишга урингани қайд этилган. Масалан, Россиянинг "Vkontakte" ижтимоий тармоғида "Кук кит", "f57", "f58", "4:20 да мени уйрот", "Китлар денгизи", "Югурасан ёки ўласан" номи билан 300 дан ортиқ разил суиқасд гуруҳлари мавжуд. Ташвишлиси, уларнинг домига иланиётганлар асосан ҳаётнинг ачиқ-чучути нима эканини билмайдиган ва дунёқараши шаклланиш арафасида бўлган ўсмир ёшлардир.

## НАВРЎЗ, СЕНИНГ КЕЛИШИНГ ЯХШИ



### ЗИЁ ТАРАТАЁТГАН "ОЛМОС"



7-бет

8-бет

"MILLIY TIKLANISH"

— мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

Нашр кўрсаткичи — 158









РЕКЛАМА УРНИДА

# “QIZILMETA PAHTA TOZALASH” AJZ JAMOASI

*Азиз ватандошлар! Халқимизнинг миллий  
ва маънавий оламининг буюк кўзгуси ва ҳаётий  
ифодаси бўлган бетакрор ва шукуҳли —*

## НАВРЎЗ АЙЁМИ

*барчамизга муборак бўлсин.*

*Яшариш ва янгиланиш фасли юртимизга,  
халқимизга кўндан-кўн эзгуликлар олиб келсин!*



Хизматлар лицензияланган

РЕКЛАМА УРНИДА

### УРГАНЧ ШАҲРИДАГИ “RAVDON GROUP” МЧЖ ЖАМОАСИ

*Барча юртдошларимизни  
янгиликларимизни,  
бунёдкорлик  
ва эзгулик тимсоли*

## НАВРЎЗИ ОЛАМ

*билан самимий табриклайди.*

*Янги кун шодиёналари  
ҳаётимизга фаровонлик,  
хонадонимизга файзу  
барака олиб келсин.*



**ҲАР КУНИМИЗ НАВРЎЗ БЎЛСИН!**

Хизматлар лицензияланган

Тадбир

## ПЕНСИОНЕРЛАР УЧУН ЯНГИ ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТ

Шу йил 1 февралдан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси пенсия ва нафақаларни олувчи шахслар учун SMS-Pensiya интерактив хизматини ишга туширди. Ушбу хизмат пенсия ва нафақа тайинланиши, унинг тўлов мuddатлари ҳақидаги маълумотларни мобил алоқа воситасида олиш имконини беради.

Бу ҳақда пойтахтимизда жамғарма ташкил этган матбуот анжуманида хабар қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси фуқароларнинг давлат пенсия таъминотини ташкил қилиш, пенсия ва ижтимоий нафақаларни тайинлаш, пенсия ҳамда бошқа тўловлар миқдорини қонунчиликда белгиланган тартибда қайта ҳисоб-китоб қилишни таъминлашга масъул давлат органи саналади. Бугун пенсия, ижтимоий нафақа, компенсация ва бошқа тўловлар тайинлаш ва тўлаш жараёни автоматлаштирилган ПК “Пенсия” дастури ёрдамида амалга оширилмоқда.

SMS-Pensiya тизимига кўра, пенсия ва ижтимоий нафақа миқдори, тўлов мuddати тўғрисида маълумот олиш учун 10711 рақамига пенсионер ёки нафақа олувчининг пенсионерлик гувоҳномасида кўрсатилган шахсий ҳисобварақни (етти рақамдан иборат) SMS-сўров сифатида юбориш лозим. Тақдим этиладиган маълумотлар пулик бўлиб, ҳар бир SMS-сўров баҳоси 0,02 цент эвазига амалга оширилади.

“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастури доирасида Пенсия жамғармаси раҳбариятининг жойларда фуқаролар билан учрашув жадваллари тасдиқланиб, шахсий қабуллар ташкил этилмоқда. Тизимда фуқаролар мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш, масъул шахсларнинг жавобгарлигини оширишга устувор аҳамият қаратилган.

Сўнги беш йилликда пенсия ва нафақа олувчилар сони йилига ўртача 4 фоиздан ўсиб, бутунги кунда 3 миллион нафардан ортиқни ташкил этмоқда. Уларга тўловларнинг ўз вақтида етказиб берилишини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг февраль ойи учун талаб қилинган маблағлар 2017 йилнинг 17 февраль санасига қадар тўлиқ молиялаштирилди. Мазкур тўловлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ тўлиқ ҳажмда нақд шаклда етказиб берилди.

Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тўланишида қонунчилик нормаларига амал қилинишини Бош прокуратура қатъий назоратта олган. Пенсия ва нафақаларни тайинлаш ва тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилиш жараёни устидан назоратни кучайтириш мақсадида (1140) “ишонч телефони” ишлаб турибди.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб берилди.

Тўмарис АЪЗАМ,  
“Milliy tiklanish” мухбири

**'ҒАРБҒАЗТАЪМИНЮТ' УК  
'ХАТИРЧИ ТУМАНГАЗ'  
ФИИАЛИ ЖАМОАСИ**

*Эзгулик ва саховат рамзи —*

# НАВРЎЗИ ОЛАМ

*билан самимий қутлайди.*

*Фасли навбахор она заминимизга  
қут-барака, тинчлик-хотиржамлик  
тухфа этсин!*

**ХАР КУНИМИЗ НАВРЎЗ БЎЛСИН!**

Хизматлар лицензияланган

**"ХОРАЗМ ХУДУДЎШ ЭЛЕКТР  
ТАРМОҚЛАРИ" АЖ  
ЖАМОАСИ**

*Сиз, азиз ва мухтарам юртдошларимизни  
фасллар келинчаги бўлмиш  
бахор шодиёнаси —*

# Наврўз

*байрами билан қизгин табриклайди.*

Хизматлар лицензияланган

**"ТУЯМЎЙИН-НУКУС" МИНТАҚАЛАРАРО СУВ  
ҚУВУРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ  
БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ**

*Мамлакатимиз аҳлини эзгулик  
тантанаси мужассам айём, шарқона  
янги йилнинг дебочаси*

# Наврўз

*билан муборақбод этади.*

**БУ ЙИЛ ХАЛҚИМИЗГА ЯНГИ-ЯНГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР,  
БАХТ ВА ФАРОВОНЛИК ОЛИБ КЕЛСИН!**

Хизматлар лицензияланган



**"ЎЗБЕКИСТОН  
ПОЧТАСИ" АЖ  
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН  
ФИИАЛИ  
ЖАМОАСИ**

*Азиз ватандошларимизни  
гўзал айём билан  
чин қалбдан табриклайди.  
Барчангизни хуш кайфият  
ва хотиржамлик йил  
давомида тарк этмасин.*

# Наврўз муборақ!



Хизматлар лицензияланган

Бизнинг шарҳ

МАРОКАШ ПАРЛАМЕНТИ

икки палатали бўлиб, Вакиллар палатасида 395, Маслаҳатчилар палатасида 270 депутат фаолият юритади

Марокаш — Африканинг шимоли-ғарбида жойлашган. Майгони — 446,5 минг квадрат километр. Аҳолиси — 34,9 миллион киши.



Хукумат раҳбари ва парламент аъзолари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга. Ҳар қандай қонун лойиҳасини иккала палата кўриб чиқади.

Вакиллар палатаси ҳукуматта ишончсизлик вотумини биддириш воқолатига эга. Ишончсизлик вотуми палата аъзолари томонидан вето тарзида илгари сурилади.

Подшоҳ ҳукумат аъзоларини тайинлагач, Бош вазир парламентга ижро ҳокимиятининг ҳаракат дастурини тақдим этади.

Подшоҳ Конституциявий суд раиси билан маслаҳатлашиб, парламентнинг бир ёки иккала палатасини ҳам тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга.

Парламентда ҳафтанинг бир кунги палата аъзоларининг ҳукуматга йўлаган сўрови ва унга берилган жавобни кўриб чиқишга ажратилган.

Мамлакатда сунти парламент сайлови ўтган йилнинг 7 октябрида ўтказилган эди.

Мамлакатда сунти парламент сайлови ўтган йилнинг 7 октябрида ўтказилган эди. Унда 125 мандат билан "Адолат ва тараққиёт" партиясига галаба қозонди.

"Саллик ва замонвийлик" партиясига 102 мандат, "Истиклол" партиясига эса 46 мандатни кўлга киритди.

Шаҳзода ҲАФФОРОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Рангин дунё

Минск шаҳридаги Беларусь миллий кутубхонаси мамлакатнинг "ташир қозони"га айланган. 23 қаватдан иборат кутубхона биноси товланётган олмос бўлагини эслатади.

ЗИЁ ТАРАТАЁТГАН "ОЛМОС"

Айни пайтда педагогика фанлари доктори, профессор Роман Мотульский раҳбарлик қилиб келаётган ушбу маскан 1922 йилда Беларусь давлат университети қошида ташкил этилган.



Вақт ўтгани сари кутубхонанинг китоб захираси кўпайиб борди. Бу эса кутубхонанинг янги ва замонвий биносини бунёд этиш заруратини юзага келтирди.

Кутубхона биносининг умумий майдони — 113 минг 669 квадрат метр. Умумий оғирлиги — китобларни ҳисобга олмаганда 115 минг тонна.

Кутубхона биносининг умумий майдони — 113 минг 669 квадрат метр. Умумий оғирлиги — китобларни ҳисобга олмаганда 115 минг тонна.

Кутубхонанинг асосий кириш жойи очик китоб шаклида ишланган. Ички қисмини Беларусь расм ва ҳайкал-тарошларининг асарлари бебаза турғибди.

Штабдаги бир неча ресторанларга "ишга жойланди". Улар бир неча ҳафтадан сўнг "маалака ошира" бошлайди.

ҚАДИМИЙ КҮРИНИШГА ЭГА ЗАМОНАВИЙ АВТОМОБИЛЬ

Автомобилларни дастлабки дизайн асосида замонвий техник жиҳозлар асосида ишлаб чиқаришга ихтисослашган Буюк Британиянинг "Eadon Green" фирмаси Женева автосалонида "Black Cuillin" деб номланган ретро-спорткарини тақдим этади.

Икки эшикли модел 12 цилиндрли мотор билан жиҳозланган. Янги машина ҳақида ҳали маълумотлар кам. Интернетта жойлаштирилган машинанинг спидометри акс этган суратдан у соатига 170 милагача (274 км/соат) юриши мумкинлиги аён бўлади.

Компания вакилларининг таъкидлашича, спорткар дизайни ўтган асрнинг 30-йилларидаги "Alfa Romeo 8C 2900" машинасидан андоза олинган.

Шунингдек, салонни безатда ёғоч ва металл элементлари ҳамда "Garrick England" компанияси соатларидан фойдаланилган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди



марта ўтказилади. Подшоҳ апрель ойининг иккинчи жума кунги сессиянинг илк мажлисини очиб беради.

Подшоҳ, Вакиллар ёки Маслаҳатчилар палатасининг учдан икки қисми ташаббуси билан парламентда муайян масалаларни ўрганиш

мақсадида махсус комиссиялар ҳам тузилади. Мазкур комиссия ўзи кўриб чиққан масала юзасидан тегишли палатага хулоса тақдим этади.

Парламент мажлислари очик-ошкора тарзда ташкил этилади. Ҳукумат раҳбари ёки парламент палаталарининг учдан икки қисми талаби билан ёпиқ мажлислар ҳам ўтказилиши мумкин.

Давлатнинг йиллик бюджети қабул қилинаётганда, парламентда давлат раҳбари маъруза қилганида

ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳолатларда палаталарнинг қўшма мажлислари ўтказилади.

Бундан ташқари, давлат аҳамиятига молик масалаларни кўриб чиқиш учун ҳукумат раҳбари Вакиллар ҳамда Маслаҳатчилар палаталари раисларидан қўшма мажлис ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Қўшма мажлис кўйи палата раиси олаб боради. Бундан ташқари, парламент доимий комиссиялари ҳам муҳим масалалар юзасидан қўшма йиғилишлар ўтказиши мумкин.

Қўшма мажлис кўйи палата раиси олаб боради. Бундан ташқари, парламент доимий комиссиялари ҳам муҳим масалалар юзасидан қўшма йиғилишлар ўтказиши мумкин.

Advertisement for "ХИВА ТУМАНИДАГИ 'РАЖАБ ОТА' ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ" featuring a woman holding a cake and the text "Жаврўзи олам билан қутлайди. Соҳибқору деҳқонларимиз ҳосили баракали бўлин! БАЙРАМ МУБОРАК!



РОБОТ МИНГ ХИЛ САЛАТ ТАЙЁРЛАЙДИ

"Chowbotics" компанияси ишлаб чиқарган "Sally" номли робот даярли бировнинг ёрдамисиз миңг хил салат тайёрлай олади.

Ошхонангизда бундай ёрдамчи бўлишига ҳали биров эрта. Чунки "Sally" ҳозирги ҳолатида одатий квартираларга сиймайди.

Компания раҳбари Дипака Секара роботлар шу йилнинг баҳор мавсумидаёқ сотила бошланишига ишончи қонди.

"Sally" роботлари ҳозирча фақат АҚШнинг Калифорния

